



Ахборот-таҳлил
газетаси

НАМКОР

press



www.hamkorpress.uz



t.me/hamkorpress_gazeta

Газета 2004 йилдан чиқа бошлаган

2022 йил 18 январь. 1 (404)-сон

hamkor.press@mail.ru



САРҲИСОБ

НАТИЖАЛАР

ҚУВОНАРЛИ, РЕЖАЛАР КАТТА

Яқунланган 2021 йилда "Hamkorbank" АТБ қандай натижаларга эришди? Иқтисодий соҳадаги ислохотларда иштироки қандай? Амалдаги йилга мўлжалланган устувор вазифалар нималардан иборат?

Банк бошқаруви томонидан видеоконференция шаклида ўтказилган йиғилишда айти шу масалаларга эътибор қаратилди.

Йиғилишни Банк Бошқаруви раиси Бахтиёржон Жўраев очди. У мам-

лакатимиздаги иқтисодий жараён, "Hamkorbank" АТБда эришилган ютуқлар, банк ташкил топганининг 30 йиллиги муносабати билан бир қатор акциялар ўтказилгани, мижозлар билан ишлашга бўлган эътибор, филиаллар

сони яна 1 тага кўпайгани ва тизимда амалга оширилган қатор тадбирларга йиғилганлар эътиборини қаратди. Кадрлар билан ишлаш ва рағбатлантириш ютуқлар омили эканлигини таъкидлади.

Бир йил давомида иштиёқ билан ишлашга ундаган, сабрсизлик билан кутилган ҳаяжонли онлар ниҳоясига етди ва икки кун давом этган якуний йиғилиш кўп нарсага ойдинлик киритди. Аввало, мақсад 2021 йилдаги натижаларни таҳлил қилишга қаратилди, ундан кейин эса келгусидаги фаолият режалар белгилаб олинди.



Аҳоли учун давлат томонидан ажратиладиган субсидиялар бериш тартиби қандай? Тўлов мажбуриятлари ва шартлари қандай?

3

Монополия-сиз ҳамма соҳада ривожланишга эришиш мумкин.

5

Тижорат банклари томонидан кредитлар доимий даромадга эга бўлган, тўловга лаёқатли, яъни кредит шартномасига асосан тўловларни тўлиқ ва ўз вақтида амалга ошириш қобилиятига эга фуқароларга ажратилади.

6

2022 йилда "Hamkor press" газетасини қаерда, қанча ўқувчиси бор?

8

Бошланиши 1-бегда

Йиғилиш мазмунан қандай кечди? Ундаги эътиборни жалб қилган ҳолатлар нимада бўлди? Келинг, шулар ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак.

* Банк ходимларининг барчасида кўтаринки кайфият ҳукмрон эди. Айниқса, бутун йиғилиш давомида қувноқ табасум билан ўтирган Чирчиқ ва Юнусобод филиали ходимлари диққатимизни тортди.

* 2022 йилда автокредитларга жиддий эътибор қаратиш лозим. Негаки, бундай хизмат турлари микроқарзларга қараганда муаммоси камлиги билан банкка кўпроқ фойда келтиради.

* 2021 йилдаги кўрсаткичлар таҳлили бўйича Навоий, Бухоро, Хоразм минтақавий, Ҳазорасп филиаллари корпоратив йўналишда, Урганч, Амалиёт, Хоразм минтақавий, Каттақўрғон филиаллари эса чакана йўналишда энг яхши натижаларни қўлга киритди.

* 2022 йилда кредит соҳасида ихтисослашувга алоҳида эътибор қаратилади. Яъни оммавий менежер микрокредит, ўрта менежер

кичик ва ўрта кредит, КХБ бошлиқлари фақат йирик кредит ажратади.

* Таваккалчиликни бошқариш департаменти ҳисоботида айтилишича, 2021 йилда олдинги йилларга қараганда муаммоли кредитлар сони анча камайган.

* “Намкорбанк” 1600 дан ортиқ сотиш бўлимларига эга эканлиги тилга олинди. 2021 йилда тизимдаги БХОлар сони янада кўпайди ва уларни таъмирлаш учун 17,5 миллиард сўм сарфланган. Бу

турдаги тармоқлар орасида Балиқчи БХО даромадлилиги жиҳатидан етакчи бўлди.

* Банк Кенгаши раиси Икром Ибрагимов соҳадаги улкан тажрибасидан келиб чиқиб, йиғилишда кўрилган барча масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди. Айрим масалаларга алоҳида тўхталиб, муҳим тавсия ва маслаҳатлар берди. У барчани ҳамжиҳатликда, масъулият билан ишлашга чақирди. Шу йилдан банкнинг келгуси 5 йиллик бизнес режасини тузиб олиш зарурлигини таъкидлади.

Кенгаш раиси йиғилиш қатнашчиларига юқори мотивация улашар экан 2022 йилда тизимда жуда яхши янгиликлар кутиб турганини, ишлаган, натижа кўрсатган ходим, албатта, рағбатлантирилишини ваъда қилди.

* Йиғилишнинг энг ҳаяжонли қисми — 2021 йил якунлари бўйича ғолибларни эълон қилиш ва тақдирлаш маросимига навбат келди. Натижаларга кўра, 1-гурӯҳ филиаллари орасида Тошкент, 2-гурӯҳда Навоий, 3-гурӯҳда Истиқбол, 4-гурӯҳда Ҳазорасп, 5-гурӯҳда Ургут филиаллари биринчи ўринни қўлга киритди.

(ЎЗ МУХБИРИМИЗ).

“НАМКОРBANK” АТБ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАН ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

2021 ЙИЛНИНГ 4 ЧОРАГИДА
ҒОЛИБ БЎЛГАН ФИЛИАЛЛАР

1-ГУРУҲ Тошкент филиали	Ў ўрин
2-ГУРУҲ Навоий филиали	Ў ўрин
3-ГУРУҲ Истиқбол филиали	Ў ўрин
4-ГУРУҲ Ҳазорасп филиали	Ў ўрин
5-ГУРУҲ Ургут филиали	Ў ўрин

Йилнинг энг яхши корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи
Бобир Шабаев — Бухоро филиали корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи

Йилнинг энг яхши чакана бизнес бўлими бошлиғи
Руслан Қобулов — Урганч филиали Чакана бизнес бўлими бошлиғи

Мижоз жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши ходими
Анвар Иzzатов — Бухоро филиали корпоратив хизматлар бўлими етакчи менежери;

Фурқат Бегалиев — Нурафшон филиали корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи;
Шароф Ражабов — Тошкент филиали корпоратив хизматлар бўлими 1-тоифали менежери.

Йилнинг энг яхши КХБ сотиш менежери (йирик сегмент)
Комилжон Абдумажидов — Юқсалиш филиали корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи.
Йилнинг энг яхши КХБ сотиш менежери (ўрта сегмент)
Достонбек Ибодуллаев — Урганч филиали корпоратив хизматлар бўлими етакчи менежери.

Йилнинг энг яхши КХБ сотиш менежери (оммавий сегмент)
Шоҳруҳ Содиков — Ургут филиали корпоратив хизматлар бўлими 1-тоифали менежери;

Фозил Жаббаров — Жиззах филиали корпоратив хизматлар бўлими етакчи менежери.

Йилнинг энг яхши чакана бизнес бўлими менежери
Шерзод Эргашев — Боғишамол филиали чакана бизнес бўлими 1-тоифали менежери;
Авазбек Мансуров — Фарғона минтақавий филиали чакана бизнес бўлими бош менежери.

Йилнинг энг яхши истеъмом кредит менежери
Бобуржон Тўраев — Навоий филиали чакана бизнес бўлими етакчи менежери;
Азамат Бердимуратов — Нукус филиали чакана бизнес бўлими менежери;
Шавкат Мусаев — Олмалиқ филиали чакана бизнес бўлими 1-тоифали менежери.

Йилнинг энг яхши ҳисоб-рақам менежери
Севара Қобулова — Нодирабегим филиали корпоратив хизматлар бўлими транзакцион менежери;
Умрбек Бекчанов — Хоразм минтақавий филиали корпоратив хизматлар бўлими етакчи транзакцион менежери.

Йилнинг энг яхши ҳисоб-рақам менежери (ХВА)
Жанна Суллетбаева — Авиасозлик филиали корпоратив хизматлар бўлими етакчи менежери.

Йилнинг энг яхши СРО менежери
Сарварбек Султонов — Урганч филиали корпоратив хизматлар бўлими 1-тоифали менежери.

Йилнинг энг яхши БХО менежери (оммавий сегмент)
Отабек Нишонов — Жиззах филиали Қўк бозор банк хизматлари офиси 1-тоифали менежери;
Сардорбек Абдуқаҳҳоров — Қўрғонтепа филиали Хонобод банк хизматлари офиси бошлиғи;
Жобир Сафаров — Бухоро филиали Ғиждувон банк хизматлари офиси етакчи менежери;
Жамшид Бозорбоев — Жиззах филиали Ғаллаорол банк хизматлари офиси бошлиғи.

Йилнинг энг яхши БХО универсал менежери
Шоҳруҳ Набиев — Қувасой филиали Фарғона банк хизматлари офиси менежери;
Бобур Шаҳобиддинов — Чуст филиали Поп банк хизматлари офиси менежери.

Йилнинг энг яхши БХО истеъмом кредит менежери
Сардор Келдибеков — Жиззах филиали Ғаллаорол банк хизматлари офиси етакчи менежери;
Ўткир Шомирзаев — Чуст филиали Поп банк хизматлари офиси 1-тоифали менежери;
Азизбек Алимов — Шаҳрихон филиали Шоҳбекат банк хизматлари офиси етакчи менежери.

Йилнинг энг яхши чакана бизнес бўлими кассири
Сарварбек Тожибоев — Нодирабегим филиали чакана бизнес бўлими кассири.

Йилнинг энг яхши ВАШ ходими
Мунира Очилова — Бухоро филиали чакана бизнес бўлими менежери.

Йилнинг энг яхши кассири
Нодирбек Обидов — Амалиёт бошқармаси касса амалиётлари бўлими кассири;
Рўзима Исоқова — Тошкент филиали касса амалиётлари бўлими кассири;
Гулнозахон Қорабоева — Истиқбол филиали касса амалиётлари бўлими кассири;
Мавсума Уринова — Самарқанд филиали касса амалиётлари бўлими кассири

Йилнинг энг яхши Мидл офис ходими
Фарруҳ Шодмонов — Бухоро филиали мидл офис бош бухгалтер ўринбосари.

Йилнинг энг яхши Бэк офис ходими
Мурод Қозоқов — Бухоро филиали бэк офис етакчи мутахассиси;
Шерзодбек Раҳмонов — Чинобод филиали бэк офис етакчи мутахассиси.

Йилнинг энг яхши ундирув хизмати мутахассиси
Жамшид Ҳайитбоев — Жиззах филиали ундирув хизмати бошлиғи.

Йилнинг энг яхши ҳуқуқшуноси
Азизжон Яхшилиқов — Навоий филиали ундирув хизмати етакчи ҳуқуқшуноси.

Йилнинг энг яхши ички назорат ходими
Акбаржон Холматов — Истиқбол филиали мидл офис етакчи мутахассиси.

Йилнинг энг яхши ИТ мутахассиси
Анвар Аҳмадалиев — Авиасоз филиали мидл офис етакчи мутахассиси.

Йилнинг энг яхши ходимлар билан ишлаш менежери
Матлуба Мамарасулова — Асака филиали мидл офис 1-тоифали офис менежери.

Йилнинг энг яхши "Moodle" тизими ўрганувчиси
Мўминжон Йўлдошев — Наманган минтақавий филиали Тўрақўрғон банк хизматлари офиси менежери;
Хулкар Раҳматова — Навоий филиали корпоратив хизматлар бўлими 1-тоифали менежери;
Ферузжон Норов — Микрокредитлаш бошқармаси 1-тоифали мутахассиси

Йилнинг энг яхши мураббийи
Меҳриддин Шайманов — Юнусобод филиали чакана бизнес бўлими бошлиғи.

Йилнинг энг самарали бизнес ғояси муаллифи
Мансурбек Раҳмонов — Процессинг ва ички тизимларни бошқариш бўлими бошлиғи.

Йилнинг энг ташаббускор ходими (БИС)
Шаҳриддин Турдиев — Самарқанд филиали мидл офис бош бухгалтер ўринбосари.

Кейинги йилларда аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш, ипотека кредити бозорини янада ривожлантириш, хусусий пудрат ташкилотларини уй-жойлар қурилишига кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Аҳолига уй-жойлар харид қилиниши ёки қурилиши учун узоқ муддатга, ипотека кредити бошланғич бадал ва фоизининг бир қисмини қоплайдиган субсидия механизми жорий этилди.

Хўш, аҳоли учун давлат томонидан ажратиладиган субсидиялар бериш тартиби қандай? Тўлов мажбуриятлари ва шартлари-чи?

Даромади юқори бўлмаган шахсларга ипотека кредитлари асосида уй-жой сотиб олишлари учун бошланғич бадал ёки кредит фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаб бериш мақсадида давлат бюджетидан тўланадиган ва қайтариб берилмайдиган маблағ субсидия деб аталади. Қайд этиш лозим, Президентимизнинг 2021 йил 11 мартдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида асосан якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун кредит фоизининг бир қисмини қоплаш мақсадида Давлат бюджетидан фуқаро учун банкда унинг номига очилган тегишли ҳисоб варағига ўтказиш орқали субсидия бериш жорий этилган.

Субсидия уйларни бозор нархида харид қилишга берилади. Арзон уй-жойлар эса махсус Дастурлар доирасида қўшимча муҳандислик ва ижтимоий инфратузилма билан комплекс ҳолда қурилган кўп қаватли, кўп хонадонли ва майдони 0,02 гектар бўлган ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга бериладиган уйлاردир.

Субсидия олиш учун ариза берувчи исталган ҳудуддаги Давлат хизматлари марказига ўзи келиб ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилади. Бунда мурожаат қилувчидан ўзининг, оила аъзоларининг ҳамда ариза берувчи билан биргаликда қарз олаётган жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақамлари талаб қилинади.

Низомда кўрсатилмаган ҳамда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали олиш мумкин бўлган ҳужжат ва маълумотларни талаб қилиш ман этилади. Кўрсатиладиган хизматлар ҳеч қандай тўловларсиз амалга оширилади. Ариза берув-

мигрантлари, етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, ёлғиз аёллар ва ҳоказо), шунингдек, оилада ногиронлиги мавжуд бўлган шахслар инobatга олинади.

Ижтимоий мезонлар асосида баҳоланган ариза берувчи 30 ва ундан юқори балл тўплаган тақдирда, талабгор сифатида тан олиниб, квартира сотиб олиш ёки якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструк-

ИПОТЕКА КРЕДИТИ:

УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТАРТИБИ ЎЗГАРДИ



чи субсидия олиш учун аризани йил давомида топшириши мумкин.

Таъкидлаш керакки, субсидия бўйича ариза топширган ҳар бир талабгорга пул маблағи берилмайди. Бунинг учун бир қатор талаб ва ҳолатларга жавоб бериш лозим. Махсус комиссия ариза берувчиларга ижтимоий мезонлар бўйича балл беради.

Ижтимоий мезонлар уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож фуқароларни аниқлашга хизмат қилади. Балл тўплаш учун мезонларга талабгор ва (ёки) унинг оиласининг даромади (шаҳар ва қишлоқ жойлари учун алоҳида кўрсаткичлар белгиланган), турар жой мақоми (ижара ёки шахсий мулк), ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганлар (меҳнат

ция қилиш учун ипотека кредити бўйича субсидия олишга ҳақли, деб ҳисобланади.

Шу ўринда савол туғилади: кимларга субсидия берилмайди? Уй-жой сотиб олиш ёки якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 10-бандида маълумотлар ижтимоий мезонларга мос келмаганда, ҳужжатларда нотўғри ёки сохта маълумотлар мавжуд бўлганда, ариза ва тегишли ҳужжатлар қабул қилишнинг охириги санаси тугагандан кейин тақдим этилганда, масъул ташкилотлар ҳулосаларига асосан жами 30 дан паст балл тўплаганда, иштирок этувчи банк томонидан ариза берувчи фуқаро (биргаликда

қарз олувчи) ажратиладиган ипотека кредити бўйича тўловга лаёқатсиз, деб топилганда ёки кредит ташкилотларидан олдинги олинган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлганда берилмайди. Бундан ташқари, оилаларнинг ўртача ойлик даромади қишлоқ жойларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3 бараваридан кам ва 6,9 бараваридан юқори, шаҳарларда эса 3 бараваридан кам ва 8 бараваридан юқори, Тошкент шаҳрида эса 3 баравардан кам ва 9,2 бараваридан юқори бўлганда ҳам субсидия берилмайди.

Давлатимиз раҳбарининг “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида кўра, 2021 йил 10 декабрдан даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож фуқароларга ипотека кредити бўйича субсидияларни тўлашда квартира майдонининг энг кўп меъёрини белгилаш амалиёти бекор қилинди. Дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар — қатъий белгиланган 32 миллион сўм миқдорида, фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар — биринчи 5 йил давомида 10 фоиздан ошган қисмига тўланади. Авваллари, қишлоқ жойларда — биринчи беш йил давомида ипотека кредити бўйича фоиз тўловлари билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун — 10 фоизлик пунктдан ошган қисмига, шаҳарларда (шу жумладан, Тошкент шаҳрида ҳам) эса — дастлабки бадалнинг бир қисмини тўлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун уй-жой ҳисобланган қийматининг 12 фоизи миқдорида тўланар эди.

Субсидиялар сотиб олинаётган квартиранинг нархи ипотека кредитининг энг кўп миқдоридан ошган тақдирда ҳам тўланади. Бундан, квартиранинг нархи ипотека кредитининг энг кўп миқдоридан ошган тақдирда, қийматнинг қолган қисми қарз олувчи томонидан ўз маблағлари ҳисобидан тўланади.

Умиджон МАМАРАСУЛОВ.

Олтин билан гўнгни тенглаштириш ақлга сиғмас ҳолат. Бироқ бунинг учун ақлни ишга солиш кифоя экан. Хонобод шаҳрида фаолият юритувчи “Рустам дўстлик агро саноат” МЧЖ ана шу амални уддалаган биринчи корхона ҳисобланади.

— Тажибаб жараёнлари 1991 йилда бошланган, — дейди тадбиркор Рустамжон Усмонов. — Ўшанда Польшадан келтирилган ёмғир чувалчанглари мамлакатимиз шароитига мослаштириш учун 1м х 2м ўлчамдаги майдонда парваришлай бошладик. Бунинг учун чувалчангларга рўзғордан чиққан органик чиқиндиларни ташлаб турдик, холос. Тажибаб жараёни 26 йил давом этди. Бу орада чувалчанглардан табобатда кенг фойдаланилди. Бироқ бизнинг асосий мақсадимиз ундан биогомус ишлаб чиқариш эди. Республикаимиз аҳолисининг ички имкониятларини ҳисобга олган ҳолда чувалчангни уй

ГЎНГНИ ОЛТИНГА АЙЛАНТИРИШ СИРИ

шароитида парваришлаганга мослаштирдик. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Зоология илмий-текшириш институти томонидан олиб борилган ўрганишлар таҳлили шуни кўрсатдики, тажибаб давомида қизил калифорния чувалчанглари билан маҳаллий чувалчанглар ўзаро чатишиб, янги дурагай зот вужудга келган. Улар тез кўпайиш хусусияти билан аҳамиятли.

— Бизнес учун биогомус савдосининг ўзи катта даромад манбаидир, —

дейди тадбиркор. — Бугун биз бир квадрат метрдаги чувалчангни бир миллион сўмдан сотмоқдамиз. Уни сотиб олган харидор ўз уйи-

ҳолда бир ойда 10 млн. сўм даромадга эга бўлдим, деяверинг.

Ҳозирда корхонада 25 нафар ишчилар томони-

га олиб бориб, 10 кв. метр майдонга жойлайди, яъни бир миллион сўм сарфлаб, ўн кв. метр чувалчанг эгаси бўлади. Уч ой ичида уларнинг сони камида 500 минг бошга етади, даромад манбаи ўн марта ортади. Бундан ташқари, чувалчанглари нигиз сони ўн мартага кўпайишини ҳам ҳисобга олинг. Уларни бир миллиондан сотсангиз, у


дан 0,5 гектар майдонда чувалчанг парваришланиб, йилига 1000 тонна биогомус олин-япти. Шу кунгача 4 минг-

ТАДБИРКОРЛИК

та оилага чувалчанг парваришlash сирини ўргатдик, ҳозирда улар бу соҳани асосий даромад манбаига айлантирганлар. Кувонарли томони шундаки, маҳсулот Қирғизистон, Қозоғистон каби қўшни мамлакатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, табиатда ҳеч нарса бежиз яратилмаган. Озгина эътибор, меҳнат ва ишбилармонлик эвазига ҳатто гўнгни ҳам тиллага айлантирса бўлади.

Саминжон ҲУСАНОВ,
журналист.



Фаолиятимизга роппа-роса 3 ой бўлди. Хануз байрам руҳиятида эканлигимиз учун кайфиятлар кўтаринки. 15 кишилиқ жамоамиз билан қиладиган ишларимизни маслаҳатлашиб олдик.

Филиал янги, лекин ходимларимиз бу тизимга бегона эмас. Ҳар бирининг "Hamkorbank" да камида 5-10 йиллик тажрибаси бор. Бош ҳисобчимиз Яккасарой, касса мудиримиз Навоий, чакана бизнес бўлими бошлиғи

2021 йилнинг 5 октябридан расман фаолиятимизни бошлаган бўлсак, дастурларимиз ноябрнинг ўртасидан тўлиқ ишга тушди. Натижада ўтган йил ҳисобидан атиги икки ой иш олиб бордик. Шу қисқа муддат орасида портфелимиз 3 миллиард 200

КЕНЖА ФИЛИАЛ

КАТТА ИШЛАРНИ БОШЛАДИ



Бош банк, корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи Чиноз филиалидан таклиф қилинган. Менинг ўзим анча йиллар "Авиасоз"ларда ишлаб, тажриба орттирганман.

миллион сўмга етди. Бу икки ой учун белгилаб берилган режани 120 фоизга бажардик, дегани.

Мақсадлар катта. Бизга ишониб топширилган янги тармоқни тез фурсатда оёққа

ТАРМОҚЛАРИМИЗДА



турғазиб, йирик филиаллар қаторига қўшишимиз керак. Бунинг учун ҳозирдан Тошкент, Яккасарой каби йирик филиаллар даражасида ва улардагидек руҳият билан иш бошлашимиз зарур.

Биринчи навбатда қиладиган ишимиз нуфузли мижозларни жалб қилиш, чакана йўналишга урғу бериш. Мазкур йўналишдаги портфелимизни 20 миллиард сўмга етказмоқчимиз. Корпоратив хизматлар бўйича режамиз 36 миллиард сўм миқдорида белгиланди. Бу кўрсаткични ортиғи билан бажариш учун имкониятларимиз етарли. Насиб қилса, кенжа филиалдан катта натижаларга гувоҳ бўласиз.

Ориф ТОЛИПОВ,
"Hamkorbank" АТБ Мубоод филиали бошқарувчиси.

Умр инсонга берилган энг бебаҳо неъмат. Уни англаб, қадрлаб яшаш осонмас. Ҳаёт сўқмоқлари турфа: бири текис, бири жумбоқ, бири чигал, яна бири қабохат ва ҳоказо. Мустақил ҳаётга қадам қўяётганда уларни тўғри фарқлай олиш муҳим. Тўғри йўлни танласанг, муроду мақсадингга ета-сан, акс ҳолда эса...



Ёшлар минбари

ҲАЁТДА ЭЗГУ МАҚСАДЛАРИМ КЎП

Бугун замондош тенгқурларимни кўриб, ҳавасим келади: касб-хунар, илм, санъат ва спортда ажойиб истевдодлари билан оламни қучишяпти, юртимиз довуғини таратишяпти. Бироқ айримлари эса... уларни кўриб эссиз ёшлик, эссиз умр дегинг келади.

Мен сўлим Фарғонанинг Раҳимобод қишлоғида оддий хунарманд-тадбиркор оиласида вояга етдим. Илмга, ўқишга ва қолаверса, келажак касбимга қизиқишим мактаб давримда шаклланди. Орзуларим йўлида Андижон машинасозлик институтида таҳсил олдим. Иқтисодиёт йўналишида мутахассис дипломини қўлга киритгач "Hamkorbank" АТБ Қўқон филиалининг корпоратив хизмат бўлимида иш ўрганишга киришдим. Илк иш жойимда назарий билимларимни амалиётда синаш имконига эга бўлдим. Бу борада малакали ҳамкасбларим-устозларимнинг маслаҳатлари, ёрдамлари муҳим аҳамият касб этди. Кўп ўтмай корпоратив хизмат бўлимида менежерлик вазифасини бажаришга киришдим. Банкимиздаги ўзига хос тартиб-интизом, хизмат маданияти менга жудаям ёқади.

Албатта, ҳар бир ишнинг ўз қийинчилиги, машаққатлари бор. Билим, тафаккур, сабр-қаноат, ўз устида тинимсиз ишлаш, изланиш барчасига барҳам бериши, шубҳасиз. Ҳаётда мақсадларим катта. Уларга эришиш учун доимо олға интилишни ният қилганман. Иш бошлаганимга йил ўтмаёқ жамоамизда энг кўп амалиёт бажарган ходим сифатида эътироф этилганлигим ғайратимга ғайрат қўшди. Ёш кадрларга бўлган эътиборга жавобан раҳбарият, устозларим томонидан билдирилган ишончни оқлаш учун бор билим ва малакамни ишга солиш ниятидан.

Ҳаётий тажриба, касб малакасини оширишда китоб мутолаасининг аҳамияти катта. Бўш вақтларимда севимли китобларимни қўлимга оламан. Яқинда Жавлон Жовлиевнинг "Қўрқма" романини ўқиб чиқдим. Таассуротларим бир олам. Бундай асарлар ҳаётга бошқача назар ташлашга, эзгуликка ундайди. Ҳозирда Стивен Р.Ковининг "Муваффақиятли инсонларнинг 7 кўникмаси" китобини ўқимокдаман.

Бурхонжон ҲУСАНОВ,
"Hamkorbank" АТБ Қўқон филиали "Гўзал банк" хизматлари офиси менежери.



МИЖОЗЛАРИМИЗ ФАОЛИЯТИДАН

Бугун гўдак фарзанди-ни бир марта-лик тагликларсиз улғайтирадиган она топилармикин? Албатта, йўқ. Бешиқ ўрни-ни "памперс"лар эгаллаганига кўни-киб бўлдик.



Замон ва бозор талабини инобатга олган ҳолда 2010 йилда Хитой билан ҳамкорликда "Hunan pulp" МЧЖ шаклидаги қўшма корхонани ташкил қилдик. 2011 йилдан ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маҳсулотларимиз болалар тагликлари, аёллар гигиеник воситалари ва ниқоблардан иборат бўлиб, республикамизнинг барча ҳудудига тарқалади. 54 нафар ишчи ёрдамида ойига 1-1,5 миллион дона маҳсулот дунё юзини кўрмоқда. Бундай натижага доим "Сифат ва яна сифат", шиори остида ишлаш билан эришмоқдамиз.

Кармана туманидаги

эркин иқтисодий зонада биз каби ривожланиш йўлидаги қатор корхоналар иш олиб борапти. Агар ташриф

АҚШ доллари миқдорида кредит олишга эришдик. Бу маблағнинг барчасини хомашё сотиб олишга сарф-

ШИОРИМИЗ: ЮҚОРИ СИФАТ

буюрсангиз, фаолиятимиз билан яқиндан танишасиз.

"Hamkorbank" нинг Навоий филиалига 2018 йилдан буён мижозмиз. Филиалнинг барча турдаги хизматларидан фойдаланиб келяпмиз. Жамоанинг мижозга муносабати ва хизмат кўрсатиш сифатига аъло баҳо қўйса бўлади. Ҳамкорлигимизнинг дастлабки даврдан ҳозиргача жами 681 минг

ладик. Негаки, тагликлар учун зарур хомашёлар асосан чет элдан келтирилади. Биз ҳам керакли қисмларни



Россия, Туркия, Хитойдан харид қиламиз.

Маҳсулотларимиз ҳар уч ойда лаборатория тек-

ширувидан ўтади. Шукрки, оморда тахланиб турмайди, ишлаб чиқарилган захоти бозорга йўл олади. Тагликларимиз "Pannolino", "Amore baby", "Pom Poms" брендлари остида танилган. Шу кунгача биронта харидордан шикоят эшитмадик. Муваффақиятларимиздан илҳомланиб, яқин келажакда фаолиятимизни янада кенгайтириш ҳамда нам салфеткалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятидамиз.

Икром ХЎЖАЕВ,
корхона бош ҳисобчиси.

Бугун исталган хорижий давлатда ватандошларимиз борлиги янгилик эмас. Шундай бўлсада, уларнинг ҳаёти кўпчиликни қизиқтиради. Айниқса, у ердаги талабалар ҳақида тенгдошлари билишни истайди. Шу сабаб Буюк Британиядаги Лондон Жанубий банк университети "Халқаро бизнес бошқаруви" йўналиши магистранти Исломбек Ғайратов билан боғланиб, хорижга йўл, ҳозирда у яшаб турган давлат ва келгусидаги режалар ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик.

— Вестминстр университетида тахсил олишимга инглиз тилидан дарс берган устозларим сабабчи бўлишган. Мазкур таълим муассасасида ўқиш мен учун энг яхши танлов бўлган ва бу борада мени қўллаб-қувватлаган, шароит яратиб берган отамдан доим миннатдорман. Университетдаги тахсил дунёқарошимнинг кенгайиши ва мен учун том маънода дунё эшикларини очган, десам муболаға бўлмайди.

Магистр даражасини олиш учун Қўшма Штатлар, Австралия ва Буюк Британиядан бошқа вариантлар ҳақида қизиқиб ҳам кўрмаганман.

гандан сўнг, икки йиллик қўшимча иш визасига эга бўлишлари танловимда катта ўрин тутган.

Бу ердаги кузатишларим асосида бир хулосага келдим: монополиясиз ҳамма соҳада ривожланишга эришиш мумкин. Монополия сабаб, ривожланишдан тўхтаб қолаётган барча соҳаларни қайтадан ислоҳ қилинишини хоҳлаган бўлардим. Энг аввало, миллий авиакомпаниямиз ва аэропорт божлари масаласида ўзгаришлар қилиниши тарафдориман. Тўғри, баъзи ишлар қилинди, лекин ҳали қилиниши керак бўлган масалалар кўп. Масалан, Ўзбекистонни



**МАЪЛУМОТ
ЎРНИДА:**
Исломбек Ғайратов
1996 йил Сирдарё
вилоятида туғилган.
Бакалавр босқичини
Тошкентдаги Халқаро
Вестминстр универси-
тетида ўқиган.

МОНОПОЛИЯСИЗ ҲАММА СОҲА РИВОЖЛАНАДИ

Ушбу давлатлар ўзим учун мақсад қилган асосий учлик деб айтишим мумкин. Бунга асосий сабаб, бу давлатларда талабалар учун имкониятларнинг кенглиги, ўқиш давомида ишлаш орқали харажатларни қоплаш имконияти ва инглиз тили давлат тили ҳисобланганлиги бўлган. Университет ҳудудида эмас, балки, жамиятдаги қолган инсонларни ҳам инглиз тилида суҳбатлашишини, уларнинг яшаш тарзини ўрганишни хоҳлаганман.

Нега айнан Буюк Британияда тўхталдингиз, дерсиз. Буюк Британия таълим тизими мен учун таниш эканлиги (Тошкентдаги Халқаро Вестминстр университети) асосий туртки бўлган. Бундан ташқари, АҚШ визасини аввал икки марта қўлга киритган бўлсам ҳам, давомли берилиши кафолатланмаслиги, Австралиянинг эса визагача харажатлари нисбатан қimmatроқ эканлиги сабаб бўлган.

Эндиликда, Буюк Британия талабалари ҳам университетни тамомла-

туризм орқали анча дунёга танитишимиз мумкин. Ўзбекистон, Европа мамлакатлари ва Шарқий Осиё давлатлари ўртасида жойлашган, чуқур тарихга эга давлат. Шунинг учун Ўзбекистонга киришга визасиз режим тизимини янада кўпроқ давлатларга қўллаш зарур.

Иккинчиси, янада кўпроқ авиакомпанияларга Ўзбекистон орқали учиб рухсат берилиши керак. Шу жумладан, "low cost" самолётлар қатновига ҳам. Бу нарса қўшни Қозоғистон ва Қирғизистонда аллақачон амалда.

Учинчидан, аэропорт ставкаларини хорижий авиакомпаниялар учун ҳам арзонроқ қилиш лозим. Сабаби, шу тўғрисида уларни ҳам авиабилет нархларини сунъий равишда ошириб қўйяпмиз. Агар визасиз режим бўлса, училар сони кўп бўлса, билет нархлари арзон бўлса, ғарбдан шарққа, шарқдан ғарбга йўл олаётган инсонлар, Ўзбекистон орқали учиб ўтиш-

лари кескин ортади. Юртимизда ўтказган ҳар бир кунлари туризмни ривожланиши учун асосий пойдевор бўлган бўлар эди. Биз тарихимиз зўр деб мақтанса-у, келиб кўриш учун етарлича имконият яратиб беролмасак, сўзларимиз исботини топмаган бўлади.

Асосийси, ишлаб чиқарувчилар, хизмат кўрастурувчилар ва истеъмолчилар учун етарлича танлов имконияти берилсин. Монополиясиз ҳамма соҳада ривожланишга эришамиз.

Мусофирчиликда она юрт, ота-она ва яқинларни соғинасизми, дея кўп сўрашади. Албатта, бегона муҳитга мослашиш осон эмас. Шу маънода, Буюк Британияга ишлаш учун келаётганларга, аввало, инглиз тилини мустақамроқ ўрганиш, талабалар учун эса мустақил ҳаёт кечириб мослаша олиш учун ўзларида етарлича куч топиб келишларини тавсия қиламан. Чунки мусофир-

чиликда она юртингиз, ота-она ва яқинларни қаттиқ соғинасиз, улар билан бирга бўлгингиз, бир дастурхон атрофида ўтириб, ўзимизнинг ширин таомларимизни истеъмол қилгингиз келади. Шунинг учун сабрли ва қатъиятли бўлиб келиш зарур.

Бўш вақтим жуда кам. Асосан, уйдагилар ва яқинларим билан видео орқали суҳбатлашаман. Бу ердаги дўстларим билан дам олиш кунлари шаҳар айланамиз, музей ёки кўргазмаларга ташриф буюрамиз. Баъзан, бошқа ён атрофдаги шаҳарларга кичик саёҳатлар уюштирамиз. Коронавирусдан олдин университетдаги талаба дўстларимиз билан стол тенниси ҳам ўйнаб турар эдик. Бу менинг Ўзбекистонда ҳам сеvimли машғулотларимдан бири бўлган.

Келажақдан умидларим катта. Бажарилиши керак бўлган ишлар ва эришишим зарур бўлган мақсадларим жуда ҳам кўп. Лекин уларни амалга ошмасидан олдин барча билан ўртоқлашишни хоҳламайман. Аммо шуни аниқ айта оламани, қаерда бўлмай амалга оширажак режаларим орқали жамият ва ўзгалар учун фойдам тегишини истайман.

Нурилло ТЎХТАСИНОВ,
Тошкент.

ТАБРИК



БИЗ ИҚТИСОДИЙ ФАРОВОНЛИК ТАРАФДОРИМИЗ

Азиз юртдошлар!

"Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили", дея номланган 2022 йил билан барчангизни табриклаймиз. Жаннатмакон Ўзбекистонимиз янада гуллаб-яшнасин. Ҳар бир соҳада ўсиш, ривожланиш бўлсин.

Биз банк ходимлари доим тараққиёт учун курашамиз.Йил давомида иқтисодий юксалиш йўлида сизга мададқормиз. Молиявий кўмакчи танлашда адашманг. Сизнинг истиқболли лойиҳа ва таклифларингизни қўллаб-қувватлаймиз.

"Намкорбанк" АТБ Тошкент банк хизматлари офиси жамоаси.

СПОРТ



**Суҳбатдошимиз —
енгил атлетика бўйича
Ўзбекистон Миллий
паралимпия терма
жамоаси бош мураббийи,
фидойи, ватанпарвар
спортчи Сардор
АБДУХОЛИҚОВ.**

— “Uzbekistan Sport Awards-2021” тақдирлаш маросимида “Йилнинг энг яхши пара спорт мураббийи” деган номга сазовор бўлдингиз. Ҳиссиётлар, таассуротлар. Бу фаолиятингиздаги нечанчи мукофот?

— Ҳа, таассуротлар бир олам. Меҳнатларингиз ажойиб якун топса, жуда ёқимли бўларкан. Қолаверса, бундай эътироф ва ишонч инсонга янада мотивация бағишлаб, ўз олдида катта мақсадларни қўйишига туртки беради. Бу ҳаётимдаги учинчи катта мукофот. 2016 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози” унвони билан, шу йил сентябрь ойида “Мардлик” ордени билан тақдирландим.

— Мураббийлик фаолиятингизга нечи йил бўлди ва бу соҳанинг ортидан топганларингиз?

— Мураббийликни 2007 йилда бошлаганман. Ўшанда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти талабаси эдим. Спортнинг энгил атлетика турида иш бошлаган бўлсам, ҳануз шу соҳадаман.

15 йил давомида бири-биридан ажойиб шогирдлар, давлатимизнинг ишончи ва кўплаб нуфузли мусобақаларда ютуқларга эга бўлдим. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози” унвони берилганида 28 ёшда эдим. Ваҳоланки, 50-60 ёшга кириб ҳам биронта мукофот олмаган қанча мураббийлар бор. Мен ўз соҳасида омад ва бахтга эришган инсонларданман.

— Токиодаги паралимпия ўйинларида эркин ҳаракатларингиз орқали ўша ердагиларнинг диққатини тортдингиз, гапингиз очиғи, япон миллий стадионини ўзингизники қилиб олдингиз? Операторларнинг камераси ҳам кўпроқ сизга қаратилди.

— Биз дунёдаги энг йирик мусобақада иштирок этдик. Бунга тўрт йил давомида тайёргарлик кўрдик. У ердан натижа билан қайтиш жуда муҳим эди. Агар мен ўша пайтда ўзимдаги ҳаяжон ва кўркувни енгиб, эркин ҳаракат қилмасам, бу спортчила-

ТОКИОНИ ЎЗИНИКИ ҚИЛИБ ОЛГАН ЎЗБЕК МУРАББИЙИ

римизга ҳам салбий таъсир кўрсатарди. Мураббийдаги ишонч спортчининг руҳиятини кўтаради, ундаги мотивацияни оширади. Қолаверса, бундай катта турнирларда кўп иштирок этганим учун ҳам тажриба ўз сўзини айтди.

— Спортчиларнинг иштирокида мураббийнинг ўша пайтдаги кўрсатмаси жуда муҳим ҳисобланади. Бунга ёш спортчимиз Асила Мирзаёрованинг чиқишида ҳам гувоҳ бўлдик.

— Олимпиадада энгил атлетикачиларимиз орасида мусобақани биринчи бўлиб Асила бошлади. Бу дастлабки иштирокимиз бўлгани учун жуда ҳаяжонландик. Бир кун олдин ўзимдаги ҳаяжонни енгил ва тиниқиб дам олиш учун уйку дори қабул қилишга мажбур бўлдим. Шукри, Асила кўрсатмаларни аниқ бажариб, юзимизни ёруғ қилди ва илк кумуш медални тақдим этди.

— Дунё миқёсидаги йирик



мусобақаларда иштирок этасиз. Бошқа мамлакат спортчиларининг бизникилардан ажралиб турадиган жиҳати борми? Ёки бизнинг спортчиларда бошқаларда бўлмаган қайси хислат бор?

— Ҳар бир спортчи миллиати, давлатидан қатъий назар, мусобақага битта мақсадда ва юқори спорт формасида боради. Лекин ўйин пайтида айнан руҳият ва характер муҳим роль ўйнайди. Бу нафақат бир спортчининг, балки, бутун бошли миллатнинг характерини намоён қилади.

Бир нарсани очиқ айтиш керак, бизнинг спортчиларимиз-

да ғалабадан манфаатдорлик ҳисси кучлироқ бўлади. Негаки, медал билан қайтса, ўз юртида уни қандай бахтли онлар кутаётганини билади. Ҳеч қандай моддийликка алишмайдиган, пул билан ўлчаб бўлмайдиган шундай ёқимли ҳиссиётлар борки, у туйғуни айнан бизнинг мамлакатимиз спортчилари туяди. Бу давлат раҳбари эътирофи, қўллаб-қувватлаши, халқ олқиши. Бундай бахтга жонни фидо қилса арзийди.

— Қандай характердаги спортчи кўпроқ ютуққа эришадди?

— Характернинг роли спортнинг турига қараб сезилади. Айрим спорт ўйинларида хотир-жамлик, камтаринлик, вазминлик муҳим бўлса, айримларида агрессивлик, кучли ҳаяжон ёрдам беради. Лекин, барибир, спортчининг эгоист бўлиб, атрофдагилар билан камроқ мулоқот қилгани ва кўпроқ машғулотга эътибор қаратгани яхши.

— 2021 йил сиз учун...

— 34 йиллик ҳаётимдаги унутилмас йил бўлди дея оламан. Энг қувончли онларни ҳам, энг оғир кунларни ҳам бошимдан кечирдим. Токио олимпиада-сида менинг мураббийлигим остида иштирок этган спортчилар 5 та олтин, 2 та кумуш, 2 та бронза медалини қўлга киритди. Шу билан бирга 1 та жаҳон, 1 та паралимпия рекордини янгиллади. Бу юртимизда энди ривожланаётган пара спорт учун катта натижа. Ёмон кунимни, майли, эсламай қўя қолай. Барчаси ўтиб кетди.

— Яқин орада қандай мусобақага тайёргарлик кўряпсиз?

— Март ойида Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида халқаро турнир ўтказилади. Ҳозир бор диққатимиз шу мусобақага қаратилган.

— Суҳбат учун ташаккур. Омад ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!

Н.ТЎХТАМАТОВА
суҳбатлашди.

Сизнинг ҳуқуқшуносингиз



САВОЛ: Биометрик паспорт олишда фақат ички ишлар бўлимларига мурожаат қилинадими? Айрим вақтларда навбат кўплигидан вақт йўқотишга тўғри келади. Бошқа йўли борми?

И.ТЕМИРХЎЖАЕВ,
Самарқанд.



ЖАВОБ: 2022 йил 1 январдан бошлаб бир қатор хизматлар Давлат хизматлари марказлари орқали тақдим этилиши йўлга қўйилди. Жумладан, Ўзбекистон фуқароларига хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш муқобил равишда (ички ишлар бўлимлари билан бир вақтда) Давлат хизматлари марказлари орқали ҳам амалга оширилмоқда. Бунда, Ўзбекистон фуқароларига хорижга чиқиш учун биометрик паспорт бериш учун тўлов миқдори БХМнинг 1 бараварини (270 минг сўм) ташкил этади (аввал БХМнинг 1,2 бараварини бўлган).

Маълумот учун, 2021 йил 1 январдан бошлаб ўзбекистонликлар чет элга фақат “қизил паспорт” билан чиқиши тартиби жорий этилган. Қайд этиш жоиз, Ўзбекистонда 2021 йил 1 июндан бошлаб бундай паспортни расмийлаштириш экстерриториал тамойил асосида амалга оширилмоқда.

САВОЛ: Банклардан кредит олишда айрим ҳолларда тушунмовчиликлар кузатилади. Миждоз хизматлар ҳақида нималарни билиши керак?

А. Қораев,
Тошкент



ЖАВОБ: Фуқаро тижорат банкидан кўчмас мулк харид қилиш учун ипотека кредитини ёки шахсий эҳтиёжларини қондириш учун истеъмол кредитини олиш ҳуқуқига эга. Банкдан кредит олиш қарз олувчига ушбу кредитнинг асосий қарзини ҳамда ушбу кредитдан фойдаланган давр учун ҳисобланган фоизларни кредит шартномасида белгиланган муддатда қайтариш мажбуриятини юклайди. Бунда банк томонидан кредитдан фойдаланганлик учун қарз олувчидан қўшимча тўловларни ундирилишига йўл қўйилмайди.

Одатда, тижорат банклари томонидан кредитлар доимий даромадга эга бўлган, тўловга лаёқатли, яъни кредит шартномасига асосан тўловларни тўлиқ ва ўз вақтида амалга ошириш қобилиятига эга фуқароларга ажратилади.

Фуқаро — қарз олувчи кредит шартнома шартларини тегишли равишда бажармаса, банк кредитдан фойдаланганлик учун тўловни юқори фоиз ставкаларида, шунингдек, неустойка (жарима ва пеня) тўланишини талаб қилиши мумкин. Банкнинг ушбу талабларни қўйиш ҳуқуқи кредит шартномасида белгиланган бўлади.



Саволларга ҳуқуқшунос
Қосимжон ЙЎЛДОШЕВ жавоб берди.

Баланд девор ўпири-
либ тушди-ю, ҳаммаёқ чанг
тўзонга тўлди.

Нариоқда қараб турган-
лар дарров четга қочишди.

— Томоша тугади, ҳамма
уй-уйига! — Наби қийшиқ
қўшниларига зарда билан
қўлини силкитди.

— Яхши иш қилмадингиз,
Набижон — дарвозаси тагида
чўнқайиб ўтириб бу воқеадан
изтиробга тушган Ҳалима
хола уни койиди — Одамнинг
қадри шу уйчалик эмасми?
Шу уйни олишингиз шарт-
миди!

— Эй, сизга ким қўйибди,
гапиришни! Сотаман деди,
мен олдим, бирор айб иш
қилдимми? — Наби қийшиқ
кампирага тик келиб сайради.

— Агар сиз жонидан безор
қилмаганингизда шу шўрлик
уйида яшарди, сотмасдан!
Ота жойи-я! — Ҳалима хола-
нинг ҳам аччиғи чиқиб кет-
ди, чоғи бақиришга тушди.
— Ҳеч мураса қилмадинглар,
қилмадинглар! Бошида
эри йўқ бўлса баломи? Бир
чиройли рўзгорини тебратиб
юрувди.

— Жуда юрувди-да. Уйига
кимлар келиб, кимлар кетаёт-
ганини сиз қаёқдан биласиз!
Менга раҳмат денг, битта
ювуқсиздан қутулдинглар! —
Наби қийшиқ баланддан кел-
ди.

— Астафидуллоҳ! —
боядан бери можарога
қўшилмай турган Тоҳир ака
ёқасини ушлади — Наби-
жон, жаа ҳаддингиздан
ошманг, сиз ўнг қўшни бўл-
сангиз, мен чап қўшниман
бу аёлга, бирор марта ёмон
одамлар келганини кўрга-
нимиз йўқ, бировга тўхмат
қилманг! Қолавурса, Мубо-
ракхон кўз ўнгимизда ўсган.
Қанақа қизлигини биласиз,
катта бўлиб ҳам айнигани йўқ.
Уйига келаётганлар бирга
ишлайдиганлари, эркаги йўқ
деб бири томорқасига, бири
сувоғига қаралашиб тури-
шади, укалари қаторидаги
йигитлар, барака топсинлар.
Ёмон ниятда келган одамни
кўрмадик уникага!

— Жа яхшида кўрмаган
бўлсангиз! Аслида бу уйни
сиз олмоқчи эдингиз-да, мен-
га насиб қилганига ичингиз
куйиб энди унга меҳрибон
бўб қопсиз, боринг-эй! —
Наби қийшиқ энди бу томон-
га қараб жавради.

— Аввало, ўзимнинг уйим
ўзимга етарли, бировнинг
уясига чанг солишдан худо
асрасин. Бу бир, иккинчидан
бир бечорани қон қақшатиб
уйига эгалик қилдингиз,
яйраб ўтирганингизни кўра-
ман! — Тоҳир ака муштини
дўлайиб хезланди.

— Войдод, мусулмонлар,
эримни урмоқчи! — ўпи-
рилиб тушган деворнинг
нариёғидан аёл кишининг
шанғиши эшитилди.

— Эй, сенинг эрингни
уриб қўлимни ҳаром
қилмайман — Тоҳир ака бат-
тар авжига чиқди — Хайф,
сенларга одамгарчилик!

— Бўпти, бўпти, биз одам-
мас, бор ўша одамларга —

Наби қийшиқ шундай дея
ҳовлисига қараб кетди.

— Одам деган шунчалик
юзсиз бўладими? — Ҳалима
хола йиғилганларга жавра-
ди — Бирортанглар бош
қўшиб шу шўрлик аёлни олиб
қолмадинглар-а, тан берма-
дим, маҳаллага!

— Кўрдингиз-ку, бечо-
рага қаердаги тўхматларни
ёпиштириб, кўчага
чиқолмайдиган қип ташла-
ди бу ер ютгурлар! —
деди Тоҳир аканинг хотини
Сожида опа — Мубора-
хон безиллаб “шу ердан
кетақолай”га тушиб қолди.
Неччи марта айтдим, маҳалла
унинг маҳрига тушибди-
ми, яшайверинг,ўтиб кета-
ди, деб. Сиз билмасиз, хола
— Сожида опа холага яқин

жиндай узоқда бўб қопти-да,
шунисига ичи ачишяпти. —
Сожида опа аниқлик киритди.

— Ундай бўлса, сиз кўн-
гил яқинларга маслаҳат
солинг. Уч-тўрт киши бўлиб
орқасидан бориб қўяйлик,
майлими? Бу қийшиққа худо-
нинг айтгани бордир, лекин
биз савобдан қолмайлик —
хола йўл кўрсатди..

— Яхши бўлади, хола,
бориб келинглар. Машинани
мен қилиб бераман. — Тоҳир
ака уни қувватлади.

Ҳали янги уйига жойла-
шиб улгурмаган Муборахон
дарвозадан кириб келаётган
эски қўшнилари кўриб бир
зум довдираб қолди.

— Вой, нега ҳайрон
бўласиз ё бир пастда эсдан
чиқардингизми?

— шаддодги-
на Ойимхон ая
шарақлаб кул-
ди.

— Йўқ,



келиб пичирлади — Бўй-
нинг узилгур қийшиқ кеча-
лари девордан кесак отиб
қўрқитиб бераркан.

— Вой дўзахи. Одам деган
ҳам шунчалик гумроҳ бўла-
дими? Отасидан ўтган бун-
га бунақа ёмон қилиқлар. Ер
бориб етказмасин-у, отаси-
ям нукул қўни-қўшни билан
уришиб, ёқалашиб юрарди.
Мана, кетди, бир ярим метр
жойга. Орқасида қолди тала-
шган ерлари. — Ҳалима хола
астойдил куйикди — Худо
хоҳласа, кўзим тирик бўлса,
сиз айтмоқчи бу уйда яйраб
ўтирганини кўраман. Мубо-
ракхон шўрлик икки боласи-
ни боқаман деб кечаю кундуз
ер титкилаб ўтди-я. Аслида
акаси кўчиб кетмаса бўлар-
кан, янги уйга Муборахон
чиққанида шунча кўргулик
йўқ эди. Ҳар қалай акасидан
чўчирди қийшиқ.

— Амалидан денг? Акмал-
хон собесада ишлаб турганида
анча мунча фойдаси тегар-
ди. Уйига кўзи куйсаям “ҳа
па”дерди — Тоҳир ака гап
қўшди — нафақага чиқиб
уйда бўб қолувдики, бунинг
куни туғдида. Аввалдан кўз-
лаб юрган экан-да, пайти
келганида деворни йиқитиб,
уйни қўшиб олишни. Кучи
ожизага етди. Қараб турасиз,
у уйда рўшнолик кўрмайди.

— Худо хоҳласа жазосини
олади. Лекигин анов бечо-
ра бирорта уй олдимикан бу
берган пулга? — Ҳалима хола
жонсараклик билан сўради

— Олибди, етмаганига
жиянлари қўшибди, акасидан

— Худойим қўлласа бандаси-
нинг камситгани ҳеч гап эмас
экан. Уй топа олармикан-
ман, деган ташвишда эдим.
Кўриб турибсизлар, аввал-
гидан кенгроқ, шинамроқ
ҳовли насиб қилди. Тўғри, сал
ичкарироқда бўб қолди-ю..

— Унақа деманг, қизим.
Кўнгил яқин бўлса узоқлиги
билинмайди — Ҳалима хола
уни юпатди — қаранг, кут-
маган экансиз келишимизни,
мана, излаб топиб келдик-ку?

— Тўғри, сингилжон. Ота-
онангизни кўрганмиз, узоқ
йиллардан бери қўшничилик
қилдик, сиз оғзимиз сен-
га бормади. — Гапни Сожи-
да опа илиб кетди — Яна худо
хоҳласа, қадрдонлигимиз
давом этади.

— Раҳмат, раҳмат —
Муборахон чин дилдан
гапирди — Ўзимга қолса, ота-
онамнинг эшигини кимгадир
бериб, бу ёқларга келишни
тушимда ҳам кўрмагандим.

— Ҳайронман сизга, ҳўп,
Наби қийшиқ билан чиқиша
олмадингиз, акангизга айт-
сангиз бирорта жиян-пия-
нингизни кўчириб опкелиб,
у ёққа сиз кетсангиз бўларди-
ку! — Ойимхон ая уни терга-
гандай сўради.

— Жиянларим акам билан
бирга ўтиришади. Энди катта-
сига чек қилишяпти. — Мубо-
ракхон ер чизди — Ҳадеб
уларга юк бўлмай дедим,
аслида ота эшиқда акам
қолиши керак эди, мени аро-
сатда кўймай деб
чиқиб кетди-да!

— Эрин-
гиз ўлгур ҳам нақ
номард экан. Бўп-
ти, яшамасанг яша-
ма, ҳеч бўлмаса

болаларингга ватан қилиб
бер!? — маҳаллада “инда-
мас” деб ном чиқарган тўр-
тинчи меҳмон — Санамой
опа томдан тараша тушган-
дек гап қилди.

— Ўҳху, отам замондаги
ғалвани ковламанг! Мубора-
хон ажрашиб келганида қизи
олти яшар эди, мана, қаранг,
узатадиган бўб қолди, шун-
ча йилдан бери болалари-
ни истамаган эркак уй қилиб
берармиди-я? — Сожида опа
қошларини чимирди.

— Бўлди-эй! Ҳалима
хола жеркиб ташлади. Яхши
гаплардан қилиб ўтиринглар.
Бандаси нимаки қилган бўлса,
ҳисоб-китоб қиладиган бор
тепада. Яхшилиги учун ҳам,
ёмонлиги учун ҳам, албат-
та жавобини олади. Яратган
қўлласа бандасининг ташлаб
қўйгани ҳеч гапмас, мана бир
чиройли юришибди-ку?!

— Энди ичимиз
оғриганидан айтдик-да, хола.
— Сожидахон чайналди —
Ўлгур Наби қийшиқ душман-
лик қилмаганда ёнимизда
яшарди, Муборахон дей-
ман-да.

— Менга жон тортга-
нинглар учун минг раҳмат —
Муборахон ҳам эзилиб,
ҳам хурсанд бўлиб гапир-
ди — Қўшнининг ҳамма
қилиқларига чидардим-у,
аммо номимни ёмонотлик



**Матлуба
ЮСУФ ОХУН**

қилишига, кейин сув бермас-
дан ҳовлидаги дарахтларим-
ни қуритиб қўйганига ҳеч
чидолмадим-да. Мақсади
аниқ — нима қилиб бўлсаям
уйни олиш. Шундай бўлгач,
унга ён беришга мажбур бўл-
дим. Бошқа иложим қолмади-
да!?

— Майли, қизим, бир
ёмонликнинг бир хайр-
ли томони бор, дейдилар —
Ҳалима хола юпатди — мана,
кенг жойларга кеп қолибсиз.
Яйраб яшанг. Сизга ўрга-
тишнинг ҳожати йўғ-у, аммо
энг аввало, қўшнилар билан
яхши бўлинг, кириш-чиқишли
хонадоннинг оstonаси
юмшоқ, дастурхони барака-
ли бўлади.

Эски қўшнилари шу тарзда
анчагача суҳбатлашдилар,
гапдан чарчаганларида эса
янги уйни обдон кўздан кечи-
ришиб айланишган бўлиш-
ди. Сўнг узундан- узоқ дуолар
қилиб ортга қайтишди. Мубо-
ракхон кўзида ёш билан куза-
тиб қолди.

Маҳаллага қайтишгач эса
Наби қийшиқнинг уйида-
ги оломонни кўриб шошиб
қолишди:

— Нима гап? Яна қанақа
жанжал бошлашди булар? —
Сожида ая ҳовлиқиб маши-
надан тушдию, ўша томонга
қараб югурди.

— Орқанга қайт! — уйдан
чиқиб келган Тоҳир ака уни
йўлдан қайтарди — қўй, худди
томоша қилгандек бўлмай-
лик, ўт бу ёққа!

Аёллар ҳайрон бўлиб
унинг оғзига тикилишди..

— Наби қийшиқнинг касо-
фати бегуноҳ гўдагига урибди.
Ийқитган деворининг гувала-
ларини бир бурчакка тахлаб
қўйишган экан. Неваралари
шунинг тагида ўйнаётгани-
да ўғлининг боласини босиб
қолибди.

— Вой! — деди ҳамма
тенггидан.


— Ишқилиб соғмикан??
— Ҳалима хола жонсараклик
билан сўради...

— Билмадим, дўхтирхо-
нага опкетишди. Аяси ишда
экан, хабарни эшитиб ўзидан
кетиб қолибди, ҳозир уйига
опкириб кетишди.

Маҳалладагиларга янги
мавзу топилди.

— Қаранг-а, ёмонлик қирқ
йилда қайтади дейишарди,
қирқ кунгаям етмадия? —
Ойимхон ая ёқасини ушлади.

2022 ЙИЛДА "HAMKOR PRESS" ГАЗЕТАСИНИ ҚАЕРДА ҚАНЧА ЎҚУВЧИСИ БОР?



Бировга қилган эҳсонингларни миннат қилманглар — озор бўлади ва савобдан маҳрум бўласизлар.

Бировни олган нарсасини камситманглар.

Эй ўғилларим, назари оч бўлманглар. Назар тўймаса, қорин тўймайди.

Олдин салом берувчи бўлинглар, кибр ўқолади.

ДОНОЛАР ХАЗИНАСИ

Катталар билан сўрашсанглар, олдин қўлингларни тортманглар.

Ҳеч нарсани ортиқча муҳаббат билан яхши кўрманглар — бир кун маҳрум бўласизлар.

Насабларингизга, мол-дунёларингизга қувонманглар — фойдасиздир.

Экинни бузиб, экин экманглар, барака учади.

Бемор дўстларингизни ҳолидан тез-тез хабар олиб турунглар.

Айбли нарсаларни сотманглар, сотсангиз, айбини айтинглар.

Ибрат учун ҳафтада бир марта қабристонни зиёрат қилинглар.

Ҳеч кимни қарғаманглар — дуоларинг ижобат бўлмайди.

Фарзанд отадан кўрқмаса, бахтсиз, ёмон бола бўлади.

Устоз бўлсаларинг, устозларни унутманглар.

БИЛАСИЗМИ?

Амударё нафақат мамлакатимиздаги, балки, минтақадаги энг йирик дарё ҳисобланади. Мазкур дарё Тожикистон, Афғонистон, Ўзбекистон ва Туркменистон ҳудудларидан оқиб ўтади.



Турли даврларда Оксус, Жайхун, Ўқуз, Балх, Вахш, Амул деб номланган. Амударёнинг узунлиги 1415 километри ташкил этади. Ҳавзасининг майдони 309 минг км². Афғонистонда Ҳиндукуш тоғларининг шимолий ёнбағридан 4950 м. баландликдаги музликлардан бошланади.

Дарёга энг йирик ва серсув ирмоқ — Вахш қўшилгандан сўнг Амударё номи олади. Сурхондарё қуйилгандан кейин Амударёга то Орол денгизига етгунча 1200 километрдан зиёд масофада бошқа ирмоқ қўшилмайди.

Ёш ўтиши билан соғлиқда муаммолар юзага келиши, одам фаол бўлгани билан метаболизм ёмонлашиши сабаб ҳолсизлик кузатилиши мумкин. 50 ёшдан кейин саломатликни сақлаш учун қуйидаги маҳсулотларни истеъмол қилиш мақсадга мувофиқдир.

ЭЛЛИК ЁШДАН ОШГАНДА

ЛОВИЯ

Иккинчи даражали қандли диабет, холестерин миқдорининг ошиши, ошқозон касалликлари — буларнинг бари 50 ёшдан кейин бошланиши мумкин. Ушбу касалликлар хавфни камайтириш учун ловия ейишни қанда қилмаслик керак. Исталган ёшда, айниқса, элликдан кейин танқислиги кузатиладиган клетчатка ушбу маҳсулотда бисёр бўлади.

ПОМИДОР

Мазали ва қип-қизил помидор ажин тушишининг олдини олади. Унда терини шикастланишлардан ҳимоя қилувчи антиоксидантлар кўп бўлади. Шунингдек, поми-

дорлар ўпка учун фойдали ҳисобланиб, нафас олиш билан боғлиқ муаммоларни енгиллаштиради. Ёш ўтиши билан пневмония хавфлари кўпайишини инobatга олиб, помидорни ейишни қанда қилмаслик керак.

ЛАВЛАГИ

Лавлагининг энергия, мия фаолияти ва юрак саломатлигини яхшилаш хусусиятига эга. Ундаги алоҳида модда артериал қон босимни камайтириб, қон томирларни кенгайтиради. Бу эса 50 ёшдан кейин эркак ва аёлларда учрайдиган юрак касалликлари ва инсульт хавфини меъёрлаштиришда аҳамиятли саналади.



КУНГАБОҚАР ПИСТАСИ

Терининг ёш ва гўзаллигини сақлаш учун писта ейишни қанда қилмаслик керак. Писта таркибидаги Е ва С витамини қаришнинг асосий сабаби ҳисобланган зарарли радикаллар билан курашишга ёрдам беради. Пистани салатга қўшиб истеъмол қилиш ёки шунчаки чақиш тавсия қилинади.

* Ердаги вируслар фазодаги юлдузлардан кўра кўпроқ

* Ғаройиб жиҳати йўқ, тафаккур қилиш учун қизиқарли рақам, холос. Агар Ерни одамлар бошқаради деб ўйласангиз, хато қиласиз. Биз сайёранинг ҳақиқий хўжайинлари билан таққослаганда сон жиҳатидан камчилик қаторидамиз.

* Гап шундаки, Ерда қарийб 19 нониллион (бу 30та ноль сонига эга рақам) муайян вирус бор. Улар биз

АНА, ХОЛОС!

кўрган фазодаги юлдузлардан 100 миллион марта кўп.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ

* Бутун Ер юзидан йиғилган ОИТС вируси ош қошиққа жо бўлади. Одам танасида яшайдиган ана шу каби микроорганизмлар бир неча ўн нефть бочкасини эгаллайди.

* Умуман олганда, сайёрадан йиғилган барча вируслар кичик тоғни ташкил этади.

КУН ҲИҚМАТИ

Инсон гапиришни ўрганиши учун икки йилга муҳтож бўлади. Жим туришни ўрганиши учун эса эллик йил керак.

Эрнест ХЕМИНГУЭЙ



МУАССИС:

"HAMKOR PRESS" MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида
2021 йил 19 майда
1181 рақам билан
қайта рўйхатга олинган
Индекс: 460
e-mail:
hamkor.press@mail.ru

Газета "Hamkor Press" таҳририяти компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Нашр учун масъул:
Н. ТУХТАМАТОВА
Саҳифаловчи:
А. КАБИРОВ
Манзилимиз:
Андижон шаҳри,
105100, Бобур шоҳқўчаси 53-уй.
Тел: 78 298-01-07

"ZAKOVAT" NASHRIYOT UYI MCHJ босма-хонасида chop этилди. Босмахона манзили: Косонсой шаҳри, Чорбоғ кўчаси, 17-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00
Топширилди - 20.00
Қоғоз бичими - А3
Буюртма: Адади: 6360
1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма тобоқ.

ISSN 2181-9734



Сотувда келишилган нархда.